
“Ташаббусли бюджет” самараси: Чексаройда нобоп электр таянчлари тўлиқ янгиланади

Бағдод туманининг “Чексарой” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси “Ташаббусли бюджет”нинг жорий йилги 1-мавсумида ҳудудда электр таъминотини яхшилашга қаратилган таклиф-лойиҳаси билан қатнашиб, яқунда ғолиблар қаторидан ўрин олган эдилар. Лойиҳада, кўчалардаги нобоп ва қўлбола симёғочларни темир-бетон таянчларга алмаштириш ва шу орқали таъминотдаги йўқотишларнинг олдини олишга эришиш назарда тутилганди. Бугундан ушбу лойиҳа бўйича 1 минг дона темир-бетон таянчларни маҳаллага ташиб келтириш бошланди.

- Аксар симёғочлар ростдан ҳам жуда аянчли аҳволда эди, арзимаган шамол ҳам уларни йиқитиб, яхшигина талафотлар келтириб чиқараётганди, - дейди маҳалла раиси Исроил Ҳасанов. – Ана шу муаммони бартараф қилиш мақсадида туманимиз ҳокимининг таклифи билан “Ташаббусли бюджет” да қатнашдик ва етарли миқдорда овоз жамғариб, лойиҳамиз учун давлат бюджетидан маблағ ажратилишига эришдик. Маҳалламиз инфратузилмасини босқичма-босқич яхшилашга қаратилган бу эзгу ишлардан фуқаролар жуда хурсанд. Насиб бўлса, тез кунларда ясама симёғочлар ўрнида янги темир-бетон таянчлар бўй кўрсатиб, аҳолини сифатли электр энергияси билан таъминлашга эришамиз.

МФЙ раисининг маълум қилишича, ҳудудда 1 минг 12 та хонадон мавжуд бўлиб, электр таъминоти қарийб 800 та хонадоннинг доимий муаммосига айланганди. Лойиҳадаги ишлар тўлиқ яқунлангач эса, айни муаммо тўлақонли ўтмишга айланади.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-06-12 19:41:17